

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА РАҚАМЛИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Гайбуллаев Рахим Муродович, ТДИУ СФ “Бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва молия” кафедраси мудир, и.ф.д. **Бобомуродова Сарвиноз Зиядуллаевна**
ТДИУ СФ магистранти

Аннотация: Мақолада рақамли ахборот технологияларининг ривожланиб бориши билан бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш, рақамли трансформацияни амалга ошириш йўллари кўриб чиқиш, корхонанинг бухгалтерия аппарати сифати ва самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ қилинган. Шунга мувофиқ куйидаги тадқиқот вазифалари амалга оширилган: бухгалтерия ҳисоби соҳасида рақамлаштиришни жорий этиш зарурлигини асослаш, бухгалтерия ҳисобида асосий рақамли технологияларни аниқлаш ва уларнинг афзалликлари ҳамда камчиликларини аниқлаш. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобига рақамли ахборот технологияларини жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар ўрганилиб, бунинг натижасида рақамли технологиялар бўйича кўникмаларни шакллантириш ва бухгалтерия ҳисобига рақамлаштиришни жорий этиш зарурати аниқланган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамлаштириш, бухгалтерия ҳисоби, булутли технология, блокчейн, маълумотлар базаси, ахборот технологиялари.

Abstract: The article examines ways to identify the problems that arise in the process of digitalization of accounting with the development of digital information technologies, to consider ways to implement digital transformation, and to improve the quality and efficiency of the enterprise's accounting apparatus. In accordance with this, the following research tasks were carried out: justification of the need to introduce digitization in the field of accounting, identification of the main digital technologies in accounting and their advantages and disadvantages. Also, the necessary conditions for the introduction of digital information technologies in accounting were studied, as a result of which the need for the formation of skills in digital technologies and the introduction of digitization in accounting was determined.

Keywords: digital economy, digitization, accounting, cloud technology, blockchain, database, information technology.

1. КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар самарали иқтисодий тизимни яратишга қаратилган бўлиб, амалга оширилаётган бош ислохатлардан бири ҳам айнан иқтисодиётимизни рақамлаштиришга йўналтирилгандир. Ахборотга қарам бўлган бугунги жамиятда ҳар қандай масала фақат ахборот тизимлари орқали ҳал қилинади, тараққиёт эса энг янги технологияларга ўтишни тақозо этади. Рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий фаолиятни амалга ошириш зарурияти бугунги кунда давр тақозасига айланиб бўлди.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида рақамли иқтисодиётни қўллагандан дунё мамлакатлари билан рақобат қилиб бўлмайди. Рақамли иқтисодиёт бизга нафақат дунё мамлакатлари билан алоқа қилишга, балки, мамлакатимиз иқтисодиётини шаффоф ва самарали бошқаришга хизмат қилади. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танланганлиги, ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги қирралар ва йўналишларни очиб берди. Албатта, бу ўринда, рақамли ахборот технологиялари томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб бормоқда. Бу йўналишга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, аксинча, эскича ишлаганлар тараққиётдан орқада қоляпти.

2020 йил мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниб, бу борада катта ишлар бошланди. Хусусан, 2020 йил 28 апрелда давлатимиз раҳбарининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Республика Президенти таъкидлаганидек, “Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ” [1]. Бу ишларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 5 октябр куни “**Рақамли Ўзбекистон – 2030**” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни имзолади [2]. **Фармон билан қуйидагилар тасдиқланди:**

- “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”;

- 2020–2022 йилларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт стратегияси бўйича олиб борилган ишлар натижаларига кўра, Жаҳон банки томонидан тузилган «GovTech Maturity Index 2022» ҳисоботида кўра, давлат секторида ахборот технологияларини ривожлантириш халқаро рейтингида 198 мамлакат орасида 43-ўринни эгаллади. Бу 2020 йил билан таққослаганда мамлакатимиз мавқеини сезиларли даражада яхшилаб олганини кўриш мумкин ва 37 ўринга юқорилаган. Хусусан, «GovTech Enablers» рақамли кўникмалар ва давлат хизматларидаги инновациялар индексида кўра, Ўзбекистон дунёда 4-ўринни эгаллади (2020 йил билан солиштирганда 65 поғона кўтарилган) [3].

Шундай қилиб, Ўзбекистонда рақамли ахборот технологияларини жадал тадбиқ қилишга қадамлар ташланди.

Ахборот-коммуникация технологияларидан кўплаб соҳаларда рақамлаштиришнинг етакчи воситаси сифатида фойдаланиш нафақат одамлар ҳаётини, балки иқтисодий тузилмаларни ҳам ўзгартиради [4].

Дунё иқтисодиётининг ва ахборот технологияларининг ривожланиши бухгалтерия ҳисобини ҳам ривожланишига асос яратди. Бу эса, бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш имкониятларини яратди.

Ҳозирги вақтда илғор ахборот технологияларидан фаолиятнинг турли соҳаларида, хусусан, ҳар қандай объектни бошқариш тизимининг марказий таркибий қисми бўлган бухгалтерия ҳисобида фойдаланиш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда [5]. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини такомиллаштиришни талаб қилади, бу эса, бухгалтерия ҳисоби учун янги имкониятлар яратади [6]. Ахборот технологияларидан фойдаланиш харажатларни камайтириш, инсон омилининг таъсирини камайтириш ва ишни тезлаштириш орқали ташкилотларнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради [7].

Юқорида қайд этилганлар асосида ҳамда рақамли ахборот технологияларидан фойдаланишнинг қанчалик долзарблигини эътиборга олган ҳолда, мазкур мақола доирасида асосий бизнес сегментини-бухгалтерия ҳисобини рақамлаштиришга оид мулоҳазаларни кўриб чиқамиз.

2. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Рақамлаштириш стратегияси бутун дунёда ИТ-ташкilotлари ва турли даражадаги корхоналар томонидан муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу технологик силжишни келтириб чиқаради, бизнес муҳитини қисқа вақт ичида

ўзгартиради, янги лидерларни аниқлайди ва компанияларни рақобатбардош бозорда ўсишга ва рақобатлашишга мажбур қилади.

Рақамлаштиришнинг биринчи босқичи компаниядаги бизнес жараёнларини ўзгартириш бўлиши керак. Жорий қарорларнинг заиф томонларини ўрганиш ва уларни кейинчалик бартараф этиш учун бизнесни ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилишда уларга асосланиши керак бўлган камчиликларни ҳисобга олиш керак.

Рақамлаштиришга оид қатор назарий ва амалий фикрлашлар мавжудки, улардан Россиялик муаллиф А.И.Позмогов таъкидлашича, “Қайд этиш жоизки, биринчи навбатда бизнесни рақамлаштириш қаттиқ рақобат муҳитида фаолият юритаётган компаниялар учун зарур. Бундай компаниялар учун рақамлаштириш босқичида кечикиш ёки уни рад этиш рақобат муҳитида мағлубиятга олиб келиши мумкин. Иккинчидан, булар ўз соҳаларида катта маълумотлар портфелига мурожаат қиладиган компаниялардир” [8].

Рақамли иқтисодиётда назоратнинг аҳамияти бошқарув жараёнида йирик интернет-медиа маълумотлар базаларидан фойдаланиш ҳисобига ортиб бораётганлигини таҳлил қилган Т.М.Рогоуленко, О.А.Агеева, В.В.Горлов ва бошқалар фикрича, “Бошқариш ҳар қандай бошқарув тизимининг муҳим функционал элементиدير. Корпоратив бошқарув тизимида ички назорат самараси паст бизнес жараёнларини аниқлаш ва уларни оптималлаштириш имконини беради” [9].

Бухгалтерия ҳисоби компаниянинг иқтисодий сиёсатининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, унинг мулкӣ ва молиявий ҳолатининг тўлиқ тасвирини акс эттиради.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналарда бухгалтерия ҳисобига бир хил талаблар қўйилади. Улар ҳуқуқӣ ҳужжатлардан келиб чиқади, чунки илмӣ-техника тараққӣети ўлчовли эмас, бу қуйидаги хусусиятлар билан боғлиқ: автоматлаштириш ва бизнес соҳасига рақамлаштиришни жорий этиш.

Малакали бухгалтерия ҳисоби нафақат мулкнинг тузилиши ва компаниянинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот беришга, балки молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини акс эттиришга ва бизнес қийматига объектив баҳо беришга қодир.

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий ривожланишнинг замонавий ва тез ўзгарувчан шароитларида корхоналар қисқа вақт ичида бизнес юритишнинг янги усулларига мослаша олишлари керак.

Шунга кўра, Ю.И.Будович таъкидлашича, “Бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш - бу кўрсаткичларни тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва ҳисоблаш учун янги дастурларни яратиш ва эскирганларини модернизация қилишдир” [10].

Бу ўринда мутахассис О.В.Коржова замонавий жамиятда ахборотни қайта ишлаш технологиясининг асосий техник воситаси шахсий компьютер ҳисобланиши тўғрисида ўз фикрини баён қилади [5]. Бошқа тадқиқотчи М.В.Голубниченко эса, “кўпгина ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби маълумотларни қулай сақлаш, ҳужжатлар ва ҳисоботларни яратиш, бухгалтерия маълумотларини таҳлил қилиш учун мўлжалланган махсус дастурий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилишини ифода этади” [11]. Булардан фойдаланиш бухгалтерларга бухгалтерия ҳисобининг ўзаро боғланган соҳаларини юритиш, бошқарув ходимларига эса долзарб маълумотлардан фойдаланиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Корхоналарда инновацион фаолиятни ўрганар экан Ю.А.Ермилова “рақамлаштириш - бу янги технологиялар ва хизматлар ёрдамида бухгалтерия ҳисобига ўзгаришлар киритадиган инновациядир” деган қарорга келди [12].

Бу борада республикаимиз иқтисодчиларидан Л.М.Куприянова ўз тадқиқотларида “Ўзбекистон иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектлар орасида, корхоналар, компаниялар тўғрисидаги маълумотлар базаси етарли даражада фаол шакллантирилаётгани йўқ, бу самарали рақамли иқтисодиётни амалга ошириш, унга тайёрликни секинлаштиради” деб таъкидлаган ҳолда, “бухгалтерия ҳисобининг рақамли технологияларга ўтиши, бухгалтерия, корпоратив ҳисоботларнинг шаклланишида тўлиқлик, аниқлик ва ишонччиликни оширади, иқтисодий таҳлил, аудит сифатини оширишга имкон беради, бошқарув самарадорлиги, таҳлил ҳамда аудитни уйғунлаштиради” деган фикрни илгари суради [13].

Юқорида келтирилган муаллифлар фикрларига ҳамоҳанг равишда, бизнинг фикримизча, рақамлаштиришни такомиллаштириш йўллари компания ҳисобининг самарадорлиги ва сифатини оширади. Ушбу соҳадаги ўзгаришлар бухгалтерия аппарати самарадорлигини оширишда намоён бўлади ва унинг асосий маҳсули бу самарадорликни ошириш ва харажатларни камайтиришдир. Катта маълумотларни таҳлил қилиш ва башоратли таҳлилни яратиш ва ривожлантириш бўйича ечим энг катта иқтисодий самара беради, чунки бу технология самарадорликни ошириш ва инсон қарорлари сифатини янги

босқичга олиб чиқиш имконини беради.

3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мазкур мақолада иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид тадқиқотлари ва мақолаларини таҳлил қилиш ҳамда рақамлаштириш ахборот технологиялари тизимини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилишини акс эттирувчи мавжуд илмий асарлари ўрганилган. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар киёсий тахлили, мантикий ва таркибий тахлил қилиш, гурухлаштириш ва киёсий таккослаш, иқтисодий-статистик тахлил ва фаразни асослаш усулларидадан фойдаланилган.

4. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Рақамли иқтисодиётни белгиларидан бири бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашувидир. Бу эса ўз навбатида бухгалтерия ҳисобини янги мазмун билан бойитиш ва унинг трансформациясини тез ўзгарувчан дунё ва иқтисодий ўзгаришларнинг объектив тенденцияларига мос ҳолда давом эттиришни тақозо қилади. Шундай қилиб, дунё иқтисодиётининг ва ахборот технологияларининг ривожланиши бухгалтерия ҳисобини ҳам ривожланишига асос яратди. Бу эса, бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш имконияларини яратди.

Яратилган имкониятлар асносида, бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бухгалтерлар ишини сезиларли даражада осонлаштиради ва маълумотларни қўлда қайта ишлаш билан солиштирганда қуйидаги афзалликларни беради:

- бирламчи ҳужжатлардаги реквизитларни автоматик тўлдириш;
- катта ҳажмдаги ахборотни тез қайта ишлаш;
- аналитик маълумотларни идрок этиш учун қулай шаклда тақдим этиш (диаграммалар, графиклар, жадваллар);
- ҳисобот регистрларини шакллантириш (ҳисоб-китоб ва тўлов ведомостлари, айланма баланслари, касса китоби);
- қоғоз ташувчилар сонини қисқартириш;
- раҳбарият ва унга бўйсунувчи ходимлар, ташкилот бўлимлари ўртасида тезкор маълумот алмашиш;
- арифметик хатоларни бартараф этиш;
- назорат қилувчи давлат органлари ва банклар билан онлайн мулоқот;

конунчиликдаги ўзгаришларга тезкор жавоб бериш қобилияти.

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш нафақат корхона учун, балки давлат учун ҳам жуда муҳим вазифалардан биридир.

Ҳозирги вақтда бухгалтерия маълумотларини қайта ишлаш учун кўплаб дастурий маҳсулотлар мавжуд. Қатор меъзонлар мавжудки, улар ёрдамида бухгалтерия дастурини қуйидаги афзалликларга мувофиқ баҳолашимиз мумкин бўлади:

1. Функционал тўлиқлик.
2. Норматив ҳужжатлар, ҳисобот шакллари, ҳисоб-китоб қоидалари ва бошқаларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, дастурий маҳсулотларни ўз вақтида янгилаб турувчи комплекс хизмат кўрсатиш.
3. Тизимнинг ишлаш қулайлиги. Дастурнинг интерфейсига, дастурни тезда ишга тушириш ва ўз-ўзини ўрганиш қобилиятига алоҳида эътибор берилиши.
4. Техник ёрдам.
5. Етказиб берувчининг профессионаллиги.
6. Масофадан ишлаш имконияти, бу бир вақтнинг ўзида бир маълумотлар базаси билан бир нечта маҳаллий тармоқларда ишлаш, кейин эса маълумотларни синхронлаштириш имконини беради.
7. Автоматлаштиришнинг асосий вазифаси - тизимга бир марталик маълумотларни киритишдир. Шунинг учун дастурни танлаш мезони бўлиб маълумотлар алмашинуви ва синхронизациясининг мавжудлиги ҳисобланади.
8. Бизнесни ривожлантириш ва бухгалтерия ҳисобининг янги тизимларини жорий этишга мослашиш қобилияти.
9. Ахборотни муҳофаза қилиш.
10. Бухгалтерия ҳисоби талабларининг кенгайиши ва ҳал қилинадиган вазифалар ҳажмининг ошишига мослаша олиши.
11. Дастурий маҳсулот таннархи.

Бу ўринда айрим тадқиқотчиларнинг мулоҳазалари ҳам аҳамиятлидир. С.В.Бочкова дастурий маҳсулотларни ишлаш хусусиятларини таҳлил этар экан, унинг фикрича, “бухгалтерия дастурларини етказиб бериш бўйича етакчи ўринда 1С компанияси туради”. 1С: бухгалтерия ҳисоби ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерияда бирламчи ҳужжатларни яратиш, ҳисоботларни яратиш, ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби талабларига мувофиқ маълумотларни киритиш имконини

беради [14].

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиб бориш амалиёти тўғрисида иқтисодчилардан У.А.Ширинов ифода этишича, “давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради”. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт қай даражада ривожланган?

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда [15].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 522-сонли Қарорига мувофиқ республика ҳудудида 2019 йил 1 июлдан бошлаб ихтиёрий равишда, 2020 йил 1 январдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритиш тизимини мажбурий тартибда жорий этиш белгиланган. Шунга кўра, бухгалтерия ҳисобининг объектлари учун онлайн ҳужжат алмашинув ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида қатор роуминг операторлардан фойдаланиш жорий этилган.

Шунингдек, бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 мартдаги “Онлайн кассалар ва виртуал кассаларни қўллашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 943-сонли Қарори ҳам қабул қилинди [16].

Шунингдек, давлат харидларини xarid.uzex.uz, milliydokon.uzex.uz, xt-xarid.uz, exarid.uzex.uz, dxarid.uzex.uz, tender.mc.uz каби харид жараёнларини амалга оширувчи сайтлар орқали электрон шаклда амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни рақамлаштиришга кенг йўл очилаётганлиги сабабли, бугунги кунда мамлакатимизда замонавий автоматлаштирилган бухгалтерия дастурларидан фойдаланилмоқда, булар жумласига бюджет ташкилотлари учун “UzAsbo” шунингдек, “1С:Бухгалтерия”, “1UZ”, “ЭБС ПРО: Баланс ва оборотлар”, ҳужжатларини ҳисоблаш ва тайёрлаш учун “Complex-Smeta” дастурий комплекси, “Конфигурация “Инфо-бухгалтер EN -

КОРПОРАЦИЯ” дастурий комплекси ва бошқа ҳалқаро Интернет тармоғида бухгалтерия фаолиятига мўлжалланган дастурий таъминотлар мавжуд [17].

Аммо, амалиёт кўрсатадики, ҳар бир ахборот технологиясини бухгалтерия ҳисобида қўллашнинг ижобий томонлари билан бирга, унинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуддир.

Бу ўринда таъкидлаш керакки, онлайн маълумотлар базаси алмашинувида ҳам камчиликлар мавжуд. Бунинг яққол мисоли сифатида электрон харид сайтлари ҳамда бухгалтерия фаолияти дастурий таъминотлари ўзаро чамбарчас боғланмаганлиги кўриш мумкин. Ушбу биргина камчилик бартараф этилган тақдирда хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобида бир мартаба роуминг операторда расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура иккинчи мартаба дастурий база таъминотларида акс эттиришга ҳожат бўлмасди.

Албатта, биз бу ўринда бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш соҳасидаги афзалликларга қанчалик урғу беришимиз билан бирга, айрим муаммоли вазиятларни ҳам вужудга келишини эътиборга олишимиз зарур:

барча бўлимлар автоматлаштирилиши натижасида иш ўринлари қисқариши мумкин;

умумий тизимдан маълумотларни сизиб чиқиши натижасида хўжалик субъектлари маълумотлари ошқор бўлиши;

дастурий таъминотларга тобъелик кучаяди;

интернет хизматининг сифати пастлиги тизимда айрим нуқсонларни вужудга келишига сабаб бўлади;

соҳага юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги.

Бугунги кунда иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида ахборот технологияларининг шундай оммабоп ва қўлланилишига кўра, жуда самарали усуллари мавжудки, улар жумласига булутли ҳисоблаш ва блокчейн технологиясини киритишимиз мумкин. Албатта, бу дастурий таъминотларнинг бухгалтерия ҳисобида қўлланилишидаги афзалликлар ва унинг айрим камчиликлари тўғрисида тўхталиб ўтишни жоиз билдик.

Шундай қилиб, бугунги кунда энг машҳур рақамли технологиялардан бири - бу булутли ҳисоблашдир. Булутли ҳисоблаш Интернет хизмати сифатида хотира ёки ҳисоблаш қуввати каби ҳисоблаш ресурсларини тақдим этишни англатади. Ушбу технологиядан фойдаланишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ташкилот қиммат ускуналарни сотиб олиши, унга хизмат кўрсатиш учун мутахассисларни ёллаши ёки махсус дастурий таъминотни ўрнатиши шарт

эмас. Булутли хизматлардан фойдаланиш учун Интернетга кириш кифоя. Булутли технологияларнинг энг оддий мисоли виртуал хотирадир, масалан, Яндекс-Диск, Drop-Box, Google-Drive.

Булутли технологиялар бугунги кунда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига секин-асталик билан кириб бормоқда, унинг фойдаланувчиларга қулайлиги ва иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги ундан аҳолининг фойдаланишга бўлган эҳтиёжи янада ошишига сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш керакки, булутли технологияларга бўлган қизиқиш Ўзбекистон Республикаси томонидан расман 2018 йилдан бошланган ва бу дастлаб электрон тижорат иштирокчилари томонидан қўлланилган [18]. Шундан кейин ўтган вақт давомида дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерия ҳисобини юритишда булутли технологиялардан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилди [19], таълим жараёнларида булутли технологияларни қўллаш механизмлари ва техникаси яратилди [20], 2021 йил 1 январдан бошлаб фуқаролар томонидан “булутли” платформани бошқариш йўналишларида халқаро IT-сертификатларни олиш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисмини қоплаш тизими жорий этилди [2].

Булут - бу ижарага бериладиган рақамли макон ёки ҳисоблаш қуввати бўлиб, у қуйидаги хусусиятларга эга:

фойдаланувчига ҳозирги вақтда зарур бўлган функцияларни мустақил равишда танлаш қобилияти (уланиш тезлиги, хотира ҳажми, ҳисоблаш қуввати, шунингдек, булутни ижарага олиш вақти);

исталган қурилма ёрдамида булутли технологиялардан фойдаланиш имконияти мавжудлиги;

етказиб берувчи билан ўзаро алоқанинг йўқлиги;

фойдаланувчи фақат фойдаланадиган хизматлар тўплами учун тўловни амалга ошириши.

Булутли технологиялар ёрдамида бухгалтерия ҳисобининг барча анъанавий вазифаларини амалга ошириш мумкин: электрон шаклда молиявий, бошқарув, солиқ ҳисобини юритиш ва статистик ҳисоботларни тузиш, бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини шакллантириш, солиқлар ва суғурта мукофотларини ҳисоблаш.

1С дастурий таъминоти булутли технологиялардан фойдаланишнинг тўртта мумкин бўлган усулини тақдим этади: тўғридан-тўғри ташкилот ичида

ишлаш учун булут, ушлаб туриш учун булут, миждоз билан мулоқот қилиш учун булут ва дастурий таъминотни ўрнатмасдан Интернет орқали ишлаш учун 1CFresh технологияси.

Бухгалтерия ҳисобида "булут" дан фойдаланишнинг афзалликлари эса қуйидагилардан иборат:

- харажатларни камайтириш;
- масофавий кириш имконияти;
- ишончлилиқ (техник носозлиқлар хавфи минималлаштирилади);
- исталган вақтда тизимда ишлаш имконияти.

Бироқ, булутли технологиялардан фойдаланишнинг камчиликлари ҳам таъкидлаб ўтишимиз зарур:

учинчи шахсларга ички маълумотларни тақдим этиш зарурати, шунинг учун маълумотлар сизиб чиқиши мумкин;

аксарият электрон бухгалтерия бўлимлари фойдаланувчиларга стандарт созламалар тўпламини тақлиф қилади;

хизматда ишлашга халақит бериши мумкин бўлган Интернетга уланмаслик хавфи[21,22].

Яна бир энг самарали ахборот технологияларидан бири, бу блокчейн дастурий таъминотидир. Бироқ, сўнгги йилларда рақамли иқтисодиёт соҳасида, блокчейн тизимининг пайдо бўлиши, электрон ҳужжат айланиши, онлайн касса иш станцияларидан фойдаланиш, QR коддан фойдаланиш каби рақамли иқтисодий тизимларни юзага келиши, бухгалтерия хизматларининг иши ва тузилишини ўзгартириш зарурлигини кўрсатади.

Шуни таъкидлаш жоизки, блокчейн бир қатор афзаллиқларга эга бўлган технология бўлиб, молия соҳасида маълумотларни сақлаш, интернет саҳифасида молиявий операциялар ва битимларни мониторингини олиб бориш, маълумотларни сақлаш, рақамли маълумотларни ёзиш, томонларни маълумотлар базаси нусхаларига кириш имкониятини таъминлаш ва операцияларни бажарилиш тезлиги, хавфсизлиги, серверлар орасидаги маълумотларни марказсизлаштиришдан иборат. Блокчейн технологиясини бухгалтерия ҳисобида фойдаланиш жуда катта салоҳиятга эга бўлиб, у муайян қоидаларга мувофиқ чизиқли "блоклар" занжири ҳисобланади. Бу марказлаштирилмаган бошқарувда ягона маълумотлар базаси бўлиб, у кўплаб компьютерларга тақсимланади. Блокчейн кўпинча "тарқатилган маълумотлар базаси" деб ҳам номланади.

Бухгалтерия ҳисоби учун блокчейн технологиясининг афзалликлари

қуйидагилардир.

1. Блокчейнда яратилган маълумотлар, ҳаттоки контрагентга ишонч бўлмаган тақдирда ҳам ишончли бўлиши мумкин, чунки транзакция фақат иккала томон томонидан маъқулланган тақдирдагина амалга оширилади. Шундай қилиб, бу маълумот ўзгаришлардан ҳимояланган.

2.Ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобига блокчейн технологияси жорий этилганда, контрагентлар билан инвентаризация ўтказиш зарурати йўқолади, чунки дебиторлик ва кредиторлик қарзларини шакллантириш ва ҳисобдан чиқариш бир вақтнинг ўзида содир бўлади. Бухгалтернинг роли сотиб олинган ёки ўтказилган активларни тўғри таснифлаш ва тегишли даромад ёки харажатларни ҳисобга олишдан иборат бўлади.

3.Ташкилотлар ичида блокчейн технологиясини яратиш мумкин. Натижада, инвентаризация объектларини сақлаш жойларидан ҳисобдан чиқариш автоматик равишда қабул қилувчида акс этирилади ва жўнатувчидан ҳисобдан чиқарилади.

4.Бирламчи ҳужжатларнинг етишмаслиги реал вақт режимида оператив ҳисобга олинади,

5.Блокчейн фирибгарликка қарши самарали курашиш имконини беради. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш имконсиз бўлиб қолади, чунки барча операциялар рақамлаштирилади.

Шу билан бирга блокчейн технологияси камчиликлардан холи эмас экан, жумладан:

1.Фойдаланувчиларнинг кўпайиши билан ишнинг секинлашишига таъсири.

2.Қонунчилик билан тартибга солишнинг йўқлиги.

3.Юқори қувват сарфи.

4.Керакли даражадаги мутахассисларнинг етишмаслиги [14,23,24].

Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобида блокчейн технологиясини қўллашга интилишлар кучаймоқда ва ҳаракатлар олиб борилаяпти. Юқорида кўриб чиққанимиздек, бухгалтерия ҳисобида блокчейн технологиясининг афзалликлари беқиёсдир. Иқтисодиётимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида бугунги кунда инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга эришилмоқда. Жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида корпоратив молиявий бошқарувни самарали йўлга қўйиш, уларда молиявий режалаштиришни амалга оширишда, бухгалтерия ҳисобида блокчейн

технологияларидан фойдаланиш масалалари кўрилмоқда. Жумладан, 2018 йил 3 июлда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3832-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ: лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли орган қилиб белгиланди; хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида самарали корпоратив молиявий бошқарувни ташкил этиш, самарали молиявий режалаштиришларни амалга ошириш жараёнида крипто-активлар соҳасида майнинг, смарт-контрактлар, блокчейн технологияларидан фойдаланиш амалиётини жорий қилиш; корпоратив молиявий бошқарувни амалга оширишда блокчейн технологияларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш; хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги крипто-активлар айланмаси ва улардан олинган даромадлар солиққа солиш объектлари бўлиб ҳисобланмаслик масалалари белгиланди [25].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган вазифаларни амалга оширишда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида блокчейн технологиясидан самарали фойдаланиш масаласи улар томонидан маълум молиявий стратегик қарорларни қабул қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини самарали ташкил этишда мазкур инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш орқали улар фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ўз вақтида бартараф этиш имконияти юзага келади. Шунингдек, блокчейн технологиясини бухгалтерия ҳисобида қўлланилиши, бу соҳа учун жуда катта афзалликларни беради деб ишонч билан айтишимиз мумкин.

5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Рақамли Ўзбекистон – 2030 дастурини муваффақиятли амалга ошириш давлат органлари, бизнес ҳамжамиятлари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик натижасида амалга оширилиши мумкин. Рақамли иқтисодиёт замонавий бухгалтернинг имкониятларини кенгайтиради, бухгалтерия ҳисобининг сифати ва самарадорлигини оширади, бухгалтерия ҳисобининг турли турларини интеграциялашда замонавий инновацион ёндашувларни шакллантиради. Шахсий компьютерлар ва махсус бухгалтерия дастурлари ёрдамида қоғоз ишини автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисобига алмаштириш бухгалтерни оддий ишдан озод қилиш ва уларнинг иш натижаларини яхшилаш имконини беради.

2. Ҳозирги вақтда бухгалтерия бўлимида барча бухгалтерия операцияларини онлайн тарзда амалга ошириш, банклар билан боғлиқ ва бухгалтернинг кундалик ишига жорий этилаётган ахборот технологиялари портфелларини шакллантириш имконини берувчи махсус Интернет хизматлари пайдо бўлди. Булутли технологиялар - бу маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун Интернет хизматларидан ижарада фойдаланишдир. Булутли ҳисоблаш бухгалтерия ҳисоби учун фойдаланиш учун етарли афзалликларга эга, аммо камчиликлари ҳам борки, уларнинг асосийси узлуксиз Интернет алоқасидаги узилишлардир.

3. Рақамли иқтисодиётда бухгалтерия ҳисобида блокчейн технологиясидан фойдаланиш жуда манфаатлидир. Блокчейн базасининг тарқатувчилик хусусияти операцияларни воситачиларсиз ва молиявий регуляторлар назоратсиз амалга ошириш имконини беради. Блокчейнда қайд этилган маълумотларни ўзгартириб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://iiv.uz/oz/news/prezident-raqamli-iqtisodiyotsiz-mamlakat-iqtisodiyotining-kelajagi-yoq>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон– 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони //lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://qalampir.uz/news/prezident-rak-amli-uzbekiston-2030-strategiyasini-tasdik-ladi-26704>
3. <https://ict.xabar.uz/startap/uzbekiston-etakchi-raqamli-davlatlar-reytingida>
4. Евсеева, С. А., Евсеева, О. А., Кальченко О. А. Возможности цифровизации российского малого и среднего бизнеса на региональном уровне // European Social Science Journal. – Т. 2, № 12. - С. 136–142.
5. Коржова, О. В. Реализация в бухгалтерском учете информационных технологий в сфере цифровой экономики / О. В. Коржова, Л. В. Маркова // Научное обозрение. Педагогические науки. -2019. - № 4–4. - С. 49-52.
6. Шамина, Е. В. Перспективы внедрения автоматизированных технологий в бухгалтерский учет / Е. В. Шамина, А. А. Филимонов // Актуальные направления научных исследований XXI века: теория и практика. - 2018. - № 2 (38). - С. 129–132. ф Молодой исследователь Дона №6(21) 2019 <http://mid-journal.ru> 112
7. Сокерин, П. О. Применение облачных технологий в бухгалтерском учете / П.

- О. Сокерин // Научные стремления. - 2019. - №. 25. - С. 72-74.
8. Позмогов, А. И. Цифровая трансформация российского бизнеса: монография. - М.: Кнорус, 2019. - 456 с.
9. Рогоуленко, Т. М., Агеева, О. А., Горлов, В. В. и др. Цифровая экономика - драйвер развития бухгалтерского учета, аудита, контроля: монография. - М.: ООО «Кнорус», 2020. - 230 с.
10. Будович, Ю. И. Цифровизация корпоративного учета // Человеческий капитал в формате цифровой экономики. Международная научная конференция, посвященная 90-летию С. П. Капицы, Москва, 16 февраля, 2018 г. - М.: Российский новый университет, 2018. - С. 117–125. <https://doi.org/10.25586/RNU.CONF.18.02.P.117>
11. Голубниченко, М. В. Бухгалтерский учет в условиях развития цифровой экономики / М. В. Голубниченко // Взаимодействие власти, бизнеса и общества в развитии цифровой экономики: мат-лы XI междунар. науч.-практ. конф. — 2018. - С. 36-37.
12. Ермилова, Ю. А. Аспекты учетно-аналитического обеспечения инновационной деятельности на предприятии // Региональная инновационная экономика: сущность, элементы, проблемы формирования, новые вызовы: сборник трудов Шестой Всероссийской Научной Конференции с Международным Участием, Ульяновск, 26–28 октября, 2016 г. / ред. кол.: Белый Е. М., Иванова Т. Ю., Рожкова Е. В. - Ульяновск: Ульяновский государственный университет, 2016. - С. 18–21. 113 Экономика: проблемы, решения и перспективы
13. Куприянова (2016) - Куприянова Л.М. Менеджмент качества как стратегия развития бизнеса. Международный журнал: Экономика. Бизнес. Банки. 2016. Т. 1. С. 63-75.
14. Бочкова, С. В. Исследование применимости цифровых информационных технологии в сфере бухгалтерского учета / С. В. Бочкова // Развитие цифровой экономики в условиях деглобализации и рецессии. — 2019. — С. 634–656.
15. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2020 йил // Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти // У.А.Ширинов.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1.03.2022 йил 1 мартдаги “Онлайн кассалар ва виртуал кассаларни қўллашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 943-сонли Қарори.
17. Рақамли иқтисодиёт ва рақамли бухгалтерия // "Science and Education" Scientific Journal / ISSN 2181-0842. April 2022 / Volume 3 Issue 4 //

А.А.Олимов.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3724-сон қарори // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 670-сон қарори билан тасдиқланган “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ–4391-сон қарори билан тасдиқланган “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси” // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

21. Шамина, Е. В. Перспективы внедрения автоматизированных технологий в бухгалтерский учет / Е. В. Шамина, А. А. Филимонов // Актуальные направления научных исследований XXI века: теория и практика. - 2018. - № 2 (38). - С. 129-132. ф Молодой исследователь Дона №6(21) 2019 <http://mid-journal.ru> 112

22. Сокерин, П. О. Применение облачных технологий в бухгалтерском учете / П. О. Сокерин // Научные стремления. - 2019. - №. 25. - С. 72–74.

23. Миронова, Н. А. О перспективах технологии блокчейн / Н. А. Миронова, В. К. Мукминов // Сб. статей XVI междунар. науч.-практ. конф.: в 2 ч. - 2018. - С. 136-139.

24. Каморджанова, Н. А. Цифровая экономика: изменение парадигмы бухгалтерского учета / Н. А. Каморджанова // Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития. - 2017. - С. 31-36.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари” тўғрисида ПҚ-3832-сонли Қарори // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

26. Абдуллаев, З. Ҳ. (2021). Илмий ва инновацион фаолият самарадорлиги ва олий таълим муассасалар рейтинг. *DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR*, 1002-1007.

27. KHURRAMOV, A., & GANIEV, I. M. (2021). The Economic Effectiveness of Using Effective Risk Management Techniques in Project

Management. *DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR*, 13-18.

28. Муртазаев, О. (2018). *История развития кооперативов в Узбекистане и их преобразование на современном этапе* (No. 918-2018-7642).